

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/1 • 2014



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ • АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2014
1/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир: **Ғ.И. МУҲАМЕДОВ**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:

Б.Э.ҲУСАНОВ

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Эшов Б.Ж. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д., проф.

Қодиров Б.Р. – псих.ф.д., проф.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Гаппева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Холманова З.Т. – фил.ф.д., проф.

Болтабоев Ҳ.А. – фил.ф.д., проф.

Дадабоев Х.У. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н. – фил.ф.д., проф.

Ирназаров Қ.Т. – т.ф.д., проф.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Абдуазизов А.А. – фил.ф.д., проф.

Шереметьева А.Ғ. – фил.ф.д., проф.

Давшан А.Н. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2014

Абдурахмонов М., Хўжаев М. Навоий меросининг А.З.Валидий ижодига таъсири.....	174
Файзиходжаева Д. Фактор доверия в аргументации.....	177
Соқиев Х.В. Ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос мезонлари.....	181
Тошов Х.И., Куйлиев Б. Т. Достоевский, Ницше ва Гессе “баркамол шахс” концепцияларининг қиёсий таҳлили.....	184
Ниязметов А.Н. Бурхонуддин ал-Марғинович илмий меросида оила мустақамлиги омили.....	187
Менгликулов У.М. Миллий менталитет ва маънавий кадрятлар: муаммо ва вазифалар.....	190
Махкамов У.А. Тушунтириш ва башоратнинг диалогик хусусиятлари.....	194
Кодирова З.Р., Сайдуллаева Ш. Шарқ ва Ғарб файласуфларининг ижод ҳақидаги қарашлари.....	197
Аллаярва С.Н. Маданият ва ундаги белгиларнинг ижтимоий-маънавий таъсири.....	200
Сайдалиев Ш. Техноген цивилизацияда жамият ва инсон муаммоси.....	204
Абиджанова Ф.А. Архетиплар назарияси ва унинг замонавий муаммолари.....	208
Туляев А.И. Баркамол авлоднинг шаклланишида таълим - тарбия ва ахлоқий кадрятларимизнинг аҳамияти.....	212
Баҳранов. Л. Бадий танқидчиликда рационал танқид қандай бўлиши зарур?.....	214
Матъякубов Э.Р. Ёшларнинг ижтимоийлашув концепцияси ва траекторияси: назарий-методологик ёндашув.....	217
Бабаходжаева Л.Г. Педагогические аспекты реализации смешанного обучения в высших образовательных учреждениях.....	223
Атавуллаев М.А. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий маданиятнинг аҳамияти.....	227
Юсубов Ж.Қ. Абу Наср Форобий фалсафасида инсоний фазилатлар масаласи.....	230
Хожиев Т.Н. Модернизация парадигмасининг замонавий ҳолати ва неоконвергенция ғоялари.....	232
Нишанбаева Э. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ўрни.....	237
Абдурахимов Қ.А. Рухий таҳлил масалаларида онглилик ва онгсизлик муносабати.....	240
Расулов А.И. Шахслилик сўровномаларини такомиллаштириш хусусиятлари.....	244
Мавлонов Ж.Ё. Восточные традиции религиозной парадигмы гражданского общества.....	247
Мирзаев О.С., Шукуров Б.С. Психодиагностикада проектив расм чизиш методикаларидан фойдаланиш хусусида.....	252
Бурнаев Ш.Н. Понятие “человек” и “личность” в философии от средневековья до XX века.....	255
Ҳакназаров Х. Д. Ёшларнинг бўш вақтдан фойдаланиш маданияти.....	258
Филология фанлари	
Жумаева Д. “Юсуф ва Зулайхо” достонларида аёл руҳиятининг таъсири.....	262
Эшмуродова Д. Ўзбек тилшунослигида олмошлар тадқиқи доир.....	266
Мўминова. А. Лингвокультурология – етакчи лисоний тадқиқотлардан бири сифатида.....	269
Пардаев Қ. Муқимий шеърятда таҳрир масаласи.....	271
Шарипова А.А. Синонимларнинг стилистик жиҳатдан турлари ва уларнинг таржима ходисаси сифатида ўрганилишига доир.....	274
Сайитқулов И. Тарихий насрда характер талқини.....	277
Ғаниева Ш. Фразеологизмларнинг синтагматик муносабати.....	280
Аҳмедов О.С. Солиқ ва божхона терминларининг таржимасига илмий-назарий ёндашув.....	284
Валиев Т. Автотўлқозлик терминларининг мавзувий гуруҳлари.....	288
Тошева Д. “От” компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари.....	292
Нарходжаева Х.Ш. Жараён аңлатувчи терминларнинг лексик қатламлари.....	295
Расулова С. Тохир Малиқнинг “Мурдалар гапирмайдилар” киссасининг тил хусусиятлари.....	298
Аҳмедов С. Тилшунослиқда топонимларнинг ўрни.....	302
Имомназарова Ш. Ўлан жанри ва унинг замонавий фольклор санъатидаги талқини.....	305
Абдуллаева О. Тилга прагматик ёндашувнинг шаклланиши ва тараққиётига доир.....	309
Асанов Э.Э. Ўрта Осиё туркий битикларида феъл майл ва замон шакллариининг қўлланиши.....	312
Рўзиева Н. Сўзнинг маъно структураси ва бадий тил.....	316
Зоҳидов Р. Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросининг ўрганилиши.....	319
Муродова М. Нурота ўзбекларининг никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим ва удумлари.....	326
Абдувахабова М.А. <i>MAN/UOMO/ЭРКАК</i> ва <i>WOMAN/DONNA/АЁЛ</i> концептосферасининг сўз яшаш хусусиятлари.....	331
Сиддикова И.А. Сопоставительный анализ семантической природы синонимии фразеологических единиц английского языка.....	335
Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида олмошлар градуонимияси.....	340
Каминская Е.М. От «Дмитрия Донского» к «Андрею Рублёву»: к вопросу о формировании художественного замысла романа П. Бородин.....	344
Абдурахмонова Ш.Э. Демократик ислохотлар даврида оммавий ахборотвоситаларининг ўрни.....	349
Пардаев З.А. Муҳаммад Юсуф ижоди: талқин, таҳлил ва пафос.....	353
Орипова Р.А. Биографик талқин асосига доир.....	357
Хожиева З.Б. Проблема стилистического приёма как национально – маркированной культурной модели.....	361
Abdulkhayeva M.M. Techniques for Teaching Vocabulary.....	364
Пардаев А.Б. «Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили» номли монографиясига Тақриз.....	366

ТОХИР МАЛИКНИНГ “МУРДАЛАР ГАПИРМАЙДИЛАР” КИССАСИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Расулова С. *

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада Тоҳир Малик асарларининг тил хусусиятлари таҳлил қилинган. Асардаги жарго, аргон, ибора, мақола, монолог, диалоглар тўпланиб, ўрғанилган. Ёзувчининг услуби, тили назарий ҳамда амалий аспектда асослаб берилган. Ҳар бир назарий фикр мисоллар билан исботланган. Мақолада тадвий тасвир воситаларининг асарга қанчалик жозибача бағишлагани ҳақида фикрлар мавжуд.

Калит сўзлар: тил, услуб, маҳорат, жарго, аргон, фразеологизм, ақол, ўхшатиш, жиноят олами, образ, бадий олам, қаҳрамон, сўз ва унинг қудрати.

Адабий асарларда ҳаётни бадий акс эттиришнинг асосий воситаси сифатида тил иш кўради. Тил адабиётнинг асосий куралидир, ҳаёт ҳодисалари, далиллар билан бирга унинг материалидир. Сўз эса барча фикрлар, далиллар либосидир. Далиллар замирида яширинган ижтимоий ҳаёт маъносини унинг муҳимлиги, тўлаллиги ва ёрқинлигига тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бадий адабиётдан раво, тушунарли тил, пухта танланган сўзлар талаб этилади [1.145].

Тилнинг бадий асарда алоҳида, ўзига хос роли бор. Асарнинг сюжет қурилишида, характерлар тасвирининг чуқурлигида, композициясида нуқсонлар бўлса, ўқувчи ундай асарни ўқиши мумкин, аммо тили нўнок бўлса, ўқимайди. Бундай асарлар яшаш мумкин, фақат уларга ўқувчи ёки мутахассислар томонидан бериладиган баҳо бериб бўлмайди, аммо тил жиҳатидан нўнок асар адабиётда яшай олмайди. Бундай асар сози бузилган чолғудек, одамнинг ғашини келтиради ва охири ўқувчини, уни ўқишдан воз кечишга мажбур этади. Аксинча, тилнинг раволиги ва ёрқинлиги баъзан асарнинг мазмундаги катта камчиликлар (мазмуннинг саёзлиги, гоёнинг бачканалиги)ни кўзга ишланмайдиган қилиб қўйиши ҳам мумкин.

“Тил – сўз бадий образлар ўртасидаги алоқалар, симпатия, антипатиялар, қарама-қаршилиқлар, мураккаб муомала-муносабатларни ифодаловчи воситадир, адабий асарнинг бутун бадий тўқимаси ҳам, гоёвий йўналиши ҳам сўзлар туфайли воқе бўлади... [3. 157]”

Барчамизга маълумки, бадий асар индивидуал ижод мевасидир, бинобарин, ижодкор ўз луғавий бойлиги доирасида асар тилини безаш, шакллантириш, ширали қилиш учун янги лингвистик воситалар яратиш мобайнида оригинал бадий-тасвир воситаларга ҳам мурожаат қилади, тилнинг луғавий имкониятларидан фойдаланади. Адабий асар тили ўз жозибдорлиги, ширалиги, сермаънолиги билан китобхоннинг диққатини ўзига тортади. Ёзувчи адабий асар тили устида тинимсиз меҳнат қилади. Бир асарининг тили иккинчисидан фарқланиб туради. Бадий асар тили хусусида М.Кўшонов: “Тасвирда жонли қилиб кўрсатиш бадийликнинг энг зарур шартларидандир. Китобхонни воқеага шерик қила билиш тилнинг жонли бўлиши омилларидан биридир. Ҳаётни жонли гавдалантиришда ёзувчи тилининг ширали бўлиши ҳам катта аҳамиятга

эгадир” [19. 46-47], – дейди. Дарҳақиқат, жонли тасвир ҳар бир бадий асарнинг муваффақият калитларидан бири ҳисобланади. Ёзувчи ана шу калит очадиган эшикни, яъни жонли тасвирнинг воситаларини яхши билиши лозим. Тоҳир Малик тасвирнинг жонли чиқишига алоҳида эътибор берувчи ёзқвчилардан саналади.

Бундан ташқари “Бадий асар сўз жиҳатидан сикик, фикр жиҳатидан кенг бўлиши керак” [19. 46], деб таъкидлайди М.Горький. Тоҳир Маликнинг тили ҳам ширали, жозибадор, бўёқдор, раво ва соддадир. “Мурдалар гапирмайдилар” киссасининг тили адабий тил меъёрларига мос тушади. Ёзувчи қаҳрамонларини тасвирлашда жонли тил бойликларидан унумли фойдаланади. Бу кисса мисолида воқеаларнинг реал ҳаётдан олинганлигига уларнинг китобхонни қанчалик ишонтирганлигига, ёзувчининг сўз устаси эканлигига, асарнинг бадий тили – сўз билан ишонтириш қобилияти кучлигига ҳеч шубҳа йўқ. “Ўзини осмон тирговичи деб фарз қилувчи кеккайган дарахт жазосини арра берди: ўзидан олдинги оғочлар қисматига етди – жон томири узилиб, ерга узала тушди.

... Турсунали макон топган дарахтзор, назарида даҳлсиз эди. Бу дарахтзорда исталганича кўшдан нур эмиши, хузурланиб чайқалиши мумкин эди... Турсунали макон топган дарахтзорда “болта” пайдо бўлиши билан унга даста бўлишга ошиқувчилар кўпайди. Оқибатда Турсуналининг илдизлари чопилди-ю совхоз директорлигидан райком саркотиблигига ўтаман деб ният қилиб турган одам эгнига маҳбусларнинг пахталик калта чопонини кийиб, узок совуқ ўлкадан дарахт кесувчилар сафида ўзини кўрди” [7. 7].

М.Горький: “Адабиётнинг тили ниҳоятда кийин. Кишилар ҳақида ҳикоялар ёзиш бу улар ҳақида шундай юзаки гапириб кета бериш деган гап эмас. Кишилар ҳақида ҳикоялар ёзиш расомлар мўйқалам билан расм чизгандек кишиларни сўз билан тасвирлаш демакдир. Тасвир қилинаётган киши характерида тургун хусусиятларни аниқ белгилаб, унинг характерининг чуқур маъносини англаб, кейин уни шундай аниқ ва равшан сўзлар билан тасвирлаш керакки, китоб бетларида қора сатрлар тагида китобхон жонли кишининг юзини кўра олсин, қаҳрамоннинг ҳис-туйғу ва характерларидаги боғланишларида ҳеч шубҳа тугдирмасин.

Китобхон ўқиётган нарсасини худди шундай бўлганини сезсин, худди шундай, бундан ўзгача

* Расулова С. – ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси.

булиши мумкин эмас, деб билсин”[19. 47], деган эди. Шунга кўра Тохир Маликнинг киссалари ҳам қахрамонларнинг характери, ҳолати, рухиятини сўзлар воситасида реал ифода этади. Ёзувчи қахрамонларнинг характери ифодаловчи нодир сўзлар топиб ўрнида ишлатади: “Чакалак орасидаги ёлғизоёқ йўлдан бораётганида Турсуналининг юрагига ваҳм оралади. Бу Пачокбуруннинг сўхтаси бунчалар совук бўлмаса!.. Чакалакзордан ўтиб, дарё соҳилига чиқишди.

Шоҳ-шаббалардан ясалган қўлбола чайлага яқинлашганда Пачокбурун оркачига ўгирилиб: – Шу ерда тўхта! – деб буюрди. “Юввош соков қўй” амрга итоат этди”[7. 9]. Бу парчадан Тохир Маликнинг сўз қўллашда маҳоратли эканини кўриб, гувоҳи бўлдик. Тохир Малик асарига сўз, сўз бирикмасидан усталик билан фойланади. Қахрамонларнинг ташки кифасини тасвирлашда ёркинрок намоён бўлади: “... Дум-думалоқ кўзлари кибр билан боқувчи, сочлари силлик таралган, сарғиш қалдирғоч мўйлови ўзига ярашмаган бу йигитни шаҳар прокуратурасида дастлаб кўрганида иш билан келган ашулчи бўлса керак, деб ўйлаган эди Омонулло” [7. 107].

Адабиёт сўз воситасида образ яратади, воқеликни акс эттиради. “Бинобарин, ижодкорнинг нияти, улғувор ғоясини фақат тил, унинг тасвир ҳамда ифода воситалари орқали реаллашади. Шу боис тил бадийяти бадийликнинг асосий мезони саналади. Кўпгина тадқиқотчилар томонидан қўлланиладиган бадий тил аталмиш махсус тил йўк. Ҳар қандай бадий тил умумхалқ тилларининг имкониятлари асосида у ёки бу ижодкорнинг ана шу имкониятлардан фодалана олиш маҳорати туфайли вужудга келади”[17. 116]. Шунинг учун ҳам ёзувчи яратган асарнинг тили ва у фойдаланган тасвир воситалари бошқа бир ёзувчида айлана такрорланмайди.

Бадий асар тили гўзал бўлиши керак, чунки санъаткорнинг вазифаси гўзаллик яратишдир. Бунинг учун тасвир этилаётган хулқ, манзара, ҳолат сўз туфайли китобхоннинг кўз олдида аниқ ва ёркин, борлигича намоён бўлиши лозим. Бадий асар тили – муаллиф нутки ва персонажлар нутки деб номланадиган бир-бири билан мураккаб боғланишда бўлган иккита қисмдан иборат[12. 49].

М.Қўшжонов Абдулла Қаҳҳор хақида: “Абдулла Қаҳҳор моҳир сўз санъаткори эди. Муайян характер ва ҳолатни акс эттирадиган сўзни қўллаб ва уни ўз қолипига тушгандек ўрнида, топиб ишлатиш унга мароқ бағишларди. Сўз унинг олдида бамисоли итоаткор аскар, қайси маъно томон буйруқ килса шу томон юз тутиб, хизматга тайёр турадигандек эди. Шунга қарамасдан сўзларни аяб, сон жиҳатдан кам сўз билан катта ва теран фикрларни ифода қила олишига биз таажжубланар эдик. У шахс-персонажларини, улар тушган вазиятни, бу вазиятда уларнинг ҳолатини аниқ кўра билар ва шу тарзда тасвирлай олар эди”[20. 3]. Тохир Малик ҳам ҳар бир персонажларини тасвирлашда уларнинг характер ва ҳолатини ифодаловчи сўзларни топиб қўллайди. Сўзларни илға маржон тергандек бирма-бир териб чиқади.

“Адолатнинг чўлга келишдан мақсади “чўлқуварлик” эмас, балки “эрқуварлик” эди... Бу аёл телба деса телбага ўхшамайди, соғ деса соғга. Муомала маданиятининг бирор кўчасидан ўтмаган. Оғзидан чиқаётганини қулоғи эшитмайди. Шаллаки аёлларни кўравериб кўзи пишиб кетган терговчи ҳам бу аёлни кўриб унинг “ноёб тур” эканига амин бўлади. Гапларини эшитиб лол қолади:

– Сиз бирон ерда ишлайсизми? – деб сўради дағаллик билан.

– Ишлайман, нима шунга боқиманда бўлиб ўтираманми? Мактабда ишлайман.

– Ким бўлиб, фаррошми?

– Вей, нима деяписиз? Мен ўқитувчиман. Олий маълумотли ўқитувчиман.

– Ўқитувчи?... Мактабнинг ҳам, болаларнинг ҳам шўри қуриган экан унда, – Омонулло шундай деб ўрнидан турди”[7. 156]. Дарҳақиқат, бу хотин билан яшаган эркак дўзах мудлатини ўтаб бўлган ҳисобланади.

“Русчада “Сочность языка” деган ибора ишлатилади. Буни ўзбекчада тилнинг ширали бўлиши деб аташ маъқул бўлар эди. Ҳаётни жонли гавдалантиришда ёзувчи тилининг шираси бўлиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ёзувчи бир қарашда, унча зарур эмасдек, аслида эса бадийлик нуктаи назардан зарур бўлган тафсилотга ўрин беради. Жумлаларга шира бағишлаб турган сўзлар олиб ташланса, уларнинг маъноларини қуруқ, ширасиз қилиб айтиб қўя қоладиган сўзга келтиради. Бунда ёзувчининг ўймакорлик санъатига барҳам берилади, жонли тасвир услуби оддий хабар услубига алмашади”[19. 46-47]. Ёзувчи Тохир Маликнинг сўзлари ҳам ширали, жозибали бўлиб, асарнинг таъсир кучини янада бойитади.

Воқеликни сўз ёрдамида образли акс эттиришда Тохир Малик миллий тилимизнинг бутун бойлигидан, битмас-туганмас хазина ва имкониятларидан унумли равишда баҳра олади. Образни вужудга келтириш учун ҳар доим махсус сўзлардан, хусусан, ўхшатиш, синоним, антоним, омоним, мақол, матал, фразеологизмлар, жаргон ва арго, вульгаризм, метафора ва жонлантириш сингари тасвирий воситалардан кенг ва ўринли фойдаланади.

Тохир Малик ҳар бир қахрамонни тасвирлашда мақол ва фразеологизмлардан худди образга кириш қилгандек фойдаланади: Адолат образини тасвирлашдан аввал бир мақол келтиради, сўнг уни тасвирини беради: “Кўшнинг ёмон бўлса, кўчиб қутулсан, хотининг ёмон бўлса қўйиб қутулсан” [7. 156]. Бундай мақолларнинг яна бир қисмининг асарда учратишимиз мумкин: “Тиш оғригининг давоси омбур”, “От босган жойни той босар”, ошалган корни тўйгунича ейди. Ялокхўр эса кўзи тўйгунича, қўрққан олдин мушт кўтарар: эр-хотиннинг уруши – доқа рўмолнинг қуриши, гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккида ўзинг ўтирасан, милисани мойламасанг – камокқа жўнатади, дўхтирни мойламасанг ундан ҳам баттар – нариги дунёга жўнатади, шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди, табиб – табиб эмас, бошидан ўтган – табиб.

Тоҳир Малик асариди бадий тасвир воситаларидан ўхшатишни жуда ҳам топиб ўрнида қўллайди: “Кора булут чоки сўкилиб, бирдан куёш чараклагандай бўлди: Тенгиз Турсуналининг кўнглидаги гапни топиб айтган эди” [7. 11]. Қахрамонларнинг ҳолатини, характерини очиб бериш мақсадида ёзувчи табиатда содир бўладиган ҳодисалардан унумли фойдаланади: “Кундошларнинг бир-бирига тикилиб қолишганини вулкон арафасидаги сукунат деб билиб, портлаш юз бермасидан ўзини четга олишни маъқул кўрди” [7. 44]. “Дунё бамисли бирланига кўкариб тез қуриган далага ўхшашини, эҳтиётсизлик қилинса, бу манзара кишини алдаб кўяжанини, алдангач эса бир кунни ҳаёти саргайиб сўла бошлагач, маънос ва гамгин бўлажанини англамайди... Дунёни фоҳишанинг кучогидай тотли деб ўйлайди. Дунёнинг ботқок юзасини қоплаган ўтлоққа ўхшашини, ўйдамай ташланган ҳар бир кадам ботқоққа ботиражаги мумкинлигини фаҳм этмайди” [7. 81].

Киссанинг жозибдорлигини оширган унсурлардан бири бу жонлантиришдир. Ёзувчи табиатдаги жонсиз нарсаларга жон ато этиб ўзининг эстетик муносабатини янада бойитади: “Озод осмонларда яйраб-ўйноқлашиб тушиб, то баҳорнинг иссиқ нафасига қадар ястаниб ётмоқни ният қилган қор оғир кадам юкига дош беролмай зорланиб гижирлади” [7. 73]; “Тенгиз кўлидаги косов билан гулханни яна титиб қўйди. Тақдирга тан берганига оҳиста ёниб адо бўлаётган ўтинлар бу титкилашга дош беролмай фарёд чеккандай ҳисобсиз учқунлар сачратдилар: гўё ўлаётган ўтинларнинг безовта рухлари осмонга салқичандай бўлди. Бу ҳол узок давом этмай, аланга яна ўтинларни ямлаб ютаверади. Унинг мағрур тиллари учқунларни қувалаб юқорига интилди. Аммо ўчган учқунларнинг изларини тополмай тўлганди” [7. 74].

Тоҳир Малик фантастик саргузашт ва детектив адабиётининг ёркин намоёнласи бўлиб, у жиноят олами ва уларнинг характерини жуда ҳам яхши билади. Шунинг учун ҳам у қатор асарларида жаргон ва вульгаризмлардан оқилона фойдаланади. Бу анъанани “Мурдалар гапирмайдилар” киссасида ҳам давом эттиради. Адиб жаргонларни киссада айнан ўзини қўллайди: Чучмек – ўзбек; пассажир – тасодифан қамалган одам; пупқар – милиса. Бу эса асарнинг реалистик тасвирини ёритишга, кўрсатишга хизмат қилади. Қуйида биз асарда қўлланган жаргонларни бериб ўтамиз, ушбу жаргонлар асарни янада таъсирли ва жозибдор бўлишини таъминлаган воситалардан биридир: честиёга – ҳалоллик; козёл – камокхона маъмуриятига содик ёрдамчи; бикса – хотин; малява – хат; беспредельшик – ваҳшийсифат одам; трамвайга қўйиш – ҳаммомга олиб кириб, йигирма-ўттизтасининг галма-гал “гаплашиши”; КУМ – лагер бошлиғи; лепила – дўхтир; политбюро – эътиборли ўғрилларнинг машварати; роялда ўйнамоқ

(сыграть на рояле) – бармоқ изларини қолдирмоқ; жмура – қанжик; кўмирхона – кимор ўйналадиган жой; закрой поддувало ёки привяжи метлу – оғзингни юм; биковатий – ақсиз, тўнка; жучок – ёш ўғриллар; удав – бўғма илон; зеквагон – маҳбусларни ташувчи камок вағони [7. 9, 34, 43, 45, 46, 47, 67, 85...].

Ёзувчи камокхонадагилар, хусусан, ўғриллар тилига хос айрим ибораларни, сўзларни таржима қилмай ёзишни маъқул кўради. Буни асарда ҳам таъкидлаб ўтади: “Тенгиз Турсуналининг бу аҳволидан ижирганди. У томонга қарамасдан шундай деди:

– Сен эртага биксанг (хотин)га бир малява (хат) ёзасан. Хатда сенинг бу ерда тинч яшашинг учун бизга ҳар ой маош тўлаши кераклигини ёзасан. Агар бермаса сени кунинг битишини ҳам қўшиб қўй. Хотиннинг белгиланган муддатда пулни олиб келмаса сени беспридельшикнинг қўлига топшираман. У эса сени трамвайга қўяди...” [7. 24]

Ҳар бир санъаткорнинг олами – ҳаётини тажрибаси, билиш даражаси, диди. Ғўзалликни кўра билиши, тасавури, ҳаёлот дунёси, қалб қузи ўзигагина тегишлидир ва ана шу ўзлик унинг ҳар бир асариди ақланади. [13. 65]

Ёзувчи сўз қўллашда ҳам эҳтиёткор бўлиб, маълум бир вазият ва ҳолат, умуман, воқеликни тасвирлашда сўзларни топиб ўрнида ишлата олади. Саид Аҳмад: “Қаҳқор ҳикояларидаги сикиклик сўзни исроф қилмаслик, тағдор гап айтиш санъати мен учун бир дарслик хизматини ўтади!” [18. 83] деб ёзган эди. Тоҳир Малик асариди портрет ва пейзажлар ўз ўрнида сўз билан сайқалланган, унчаём сикиклик, сўзни исроф қилиш йўлидан бормаса-да, тасвир ва тавсиф қилишлари ўринли ҳамда жоиз саналади.

Хулоса қилиб айтганда, бадий тилда мукамаллик, жозибдорлик ва нафисликни ҳис қилиш бадий асар муваффақиятининг энг муҳим гаровидир. Инсоният бадий асарни мана шу хусусиятлар гарови сифатида қабул қилади. Ўзлаштиради, муносабат билдиради.

Биз тадқиқ этган мазкур асарнинг тили нафис, мазмунли, жонли, аниқ ва ширалидир. Халқ тили бойликларидан, ифода ва тасвир воситаларидан ўринли фойдаланиш орқали тил бадийлигини юзага келтириш ижодкор маҳоратининг бош мезони ҳисобланади. Тоҳир Малик ана шу халқ тили элементларидан унумли фойдаланади. Ёзувчи китобхонни қахрамонлари билан югуртиради, бирга ўйлатади, бирга гамга ботириб, қувнатади. Худди югуриб бораётган сизу ҳозир йикилиб тушасиз, бирор нарсага урилиб кетмаслик учун ўзингизни панага тортасиз. Адиб бундай таъсирга тил орқали эришади. Чунки ёзувчи сўз орқали ҳаётни бадий ташкил қилиш ва ифодалаш имкониятига эга бўлади. Бу нарса эса бадий маҳорат дейилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Фан, 1979.
2. Адамов А.Г. Мой любимый жанр – детектив. – М., 1980.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 157.
4. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006.
5. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Фан, 2011.
6. Малик Тохир. Талваса. – Тошкент: Шарк, 2007.
7. Малик Тохир. Мурдалар гапирмайдилар. – Тошкент: Шарк, 2004.
8. Малик Тохир. Алвидо, болалик! – Тошкент: Адолат, 2003.
9. Малик Тохир. Сўнгги ўқ. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990.
10. Малик Тохир. Чоррахда колган одамлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985.
11. Норматов У., Қўшжонов М. Маҳорат сирлари. – Тошкент, 1968.
12. Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009.
13. Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. – Тошкент: Шарк, 2007.
14. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
15. Салаев Ф., Курбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
16. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
17. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – Б. 116.
18. Қўшжонов М. Ҳаёт ва қахрамон. – Тошкент: Фафур Фулом, 1979. – Б. 83.
19. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Тошкент: Фафур Фулом, 1981. – Б. 46-47.
20. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Фафур Фулом, 1988. – Б. 3.
21. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Академнашр. – Тошкент, 2010.
22. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент.: Халқ мероси, 2004.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются свойства языка в произведениях Тахира Малика. В работе собраны и исследованы жарго, арго, фразеологизмы, монологи и диалоги, а также было изучено высокое мастерство писателя.

Ключевые слова: язык, стиль, высокое мастерство писателя, арго, жаргон, фразеологизм, пословица, аналогия, мир преступления, образ, художественное произведение, герой, слова и их возможности.

RESUME

The article is devoted to the analysis of the imaging language on works of Tokhir Malik. There we analysed argo, jargo, phrase, proverb, monolog, dialog, image. The style of the writer is described in theoretical and practical aspect.

Key words: language, style, high skill writer, jargon, slang, phraseologizm, proverb, analogy, world of crime, image, proverb, artistic product, hero, word and possibility.